

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2021 FiI.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙИДОВА ГУЛРУХ ЁҚУБОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРИДАГИ
ЎХШАТИШЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-КОМПОЗИЦИОН,
ЛИНГВОПОЭТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Сайидова Гулрух Ёкубовна

Алишер Навоий бадий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион,
лингвоэстетик ва лингвокультурологик тадқиқи 5

Сайидова Гулрух Ёкубовна

Структурально-композиционное, лингвоэстетическое и лингвокультурное
исследование аналогий в художественных произведениях Алишера Навои 25

Sayidova Gulrukh Yekubovna

Structural-compositional, linguopoetical and linguoculturological studies of
similarities in Alisher Navoi's artistic works..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2021 Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙИДОВА ГУЛРУХ ЁҚУБОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРИДАГИ
ЎХШАТИШЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-КОМПОЗИЦИОН,
ЛИНГВОНОЭТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4. Phd/Fil 2046 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порта­лида (www.ziyounet.uz) жойлаш­тирилган.

Илмий раҳбар:

Чорисв Таваккал Равшанович
филология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Азамат Пардаев Бахромович
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамраева Хулқар Ҳамидуллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “10” сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети Бош ўқув биноси, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.(0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “29” август кuni тарқатилди (2022 йил “29” август даги 13 - рақамли реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.д., доцент

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котибиди
Илмий семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида муайян халқнинг адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ижодкорларнинг бадий асарлари тилини турли, чунончи, лексик-семантик, синтаксик ва лингвокультурологик аспектларда ўрганишга илҳом берди. Ижтимоий оғ ва тафаккур ривожига муҳим ўрнига эга бадий асарлар тилини бадий-эстетик, луғавий-маънавий ва лингвокультурологик аспектларини очиб бериш ҳамда адабий тилдаги миккур жихатларнинг тараққиёт қонуниятларини аниқлаш филология фани учун барча даврларда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Шу маънода инсоният бадий тафаккурида қадимдан то ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган ўхшатишларни муайян бадий асар ёки асарлар мисолида аниқлаш, ўрганиш, тизимлаштириш, тавсифлаш, таснифлаш бугунги кунда тилшунослик, хусусан, лингвоэстетика ҳамда лингвокультурология йўналишининг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралиши керак. Миккур соҳалардаги тадқиқотлар муайян тилнинг луғавий бойлиги ва инсониятларини воқелантириш ҳамда маълум бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини очиб беришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида антропоцентрик парадигма аспектидаги изланишлар қўлами кенгайиб, оламнинг лисоний тасвирини яратиш ҳамда ҳар бир миллатнинг моддий ва маънавий маданиятини унинг тили билан ўзаро боғлиқ тарзда очиб беришга жиддий эътибор берилмоқда. Бунини ижтимоий оғ тараққиёти, бугунги глобаллашув даври, мамлакатларнинг ижтимоий-маданий соҳаларда ўзаро яқинлашуви ва умуминсоний микёсга эга бўлиши воқелиги тақозо этмоқда. Шунга кўра бадий нутқда маданиятни бевосита акс эттирувчи, унинг энг муҳим бирлиги ўхшатишларни структурал-композицион, лексик-семантик, лингвоэстетик ва лингвокультурологик аспектларда ўрганиш ўзининг назарий асосини топишини далиллайди ва ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот ишларидан олинган натижалар тилшунослик фанини янги илмий хулосалар билан бойитишга хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида ҳам нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсоният тафаккури ривожига кучли таъсир этган бадий асарларнинг луғавий бойлиги, улардаги тасвирий воситалар, бадий санъатларни воқелантирувчи ва халқ маданиятини ўзида яққол ифодалаган лингвистик бирликларни ўрганиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбек бадий санъатлари тизимида энг фаол ҳисобланган ва маданиятнинг энг асосий таркибий қисмларидан бири ўхшатишларнинг мазмун-моҳияти, эстетик қиймати, структурал-композицион, лингвоэстетик ва лингвомаданий хусусиятлари кабиларни тилшуносликнинг замонавий йўналишлари, методологияси ва методлари бўйича ўрганишни ижтимоий давр тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буёқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” Қароридан шоир ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий

тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган¹. Шунга кўра, ўзбек миллий тафаккури, маданияти, мумтоз адабиёти, адабий тили тараққиётига беназир ҳисса қўшган ҳазрат мир Алишер Навоий бадий асарлари тилидаги ўхшатишларни яхлит тизим бўйича тадқиқ этиш, лингвистик табиғатини очиб бериш, уларнинг қўлланиш даражасини аниқлаш, тил ва маданиятдаги ўрнини белгилаш, бадий-эстетик ҳамда вазифавий-мазмуний хусусиятларини ўрганиш, лингвопоэтик ва лингвокультурологик таҳлилини амалга ошириш, шоирнинг ташбих бадий санъатини воқеалантирувчи ўхшатишлардан фойдаланишдаги поэтик маҳоратини асослаш билан боғлиқ масалалар ҳозиргача махсус монографик тадқиқ объекти бўлмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февральдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 январдаги 40-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида ўхшатишларнинг айрим хусусиятлари, жумладан, логик-гносеологик ва лингвистик табиғати, уларнинг шаклланиш механизми, лисон ва нутқда қўлланиш сабабияти ҳамда даражаси, тил ва маданиятдаги ўрни қабилар турли аспектларда, жумладан, рус тилшунослигида Н.А.Веселовский,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.

В.В.Виноградов, Б.И.Федоров, Н.Алефиренко², ўзбек тилшунослигида эса А.Рустамов, М.Миртожиев, Н.Махмудов, И.Ёрматов, М.Ёқуббекова, М.Мукаррамов, М.Йўлдошев, Г.Қобулжонова, Д.Худайберганава қабилар томонидан ўрганилган³.

Туркий, чунончи, ўзбек адабиётшунослигида ташбих бадий санъатини ноқелантирувчи ўхшатишларнинг илмий-назарий тавсифи, моҳият-мазмунни, бадий санъатлар тизимидаги роли, муайян ижодкорнинг ташбих бадий санъатидан фойдаланишдаги маҳорати каби масалаларни Атоуллох Хусайний, Шайх Аҳмад Тарозий, А.Фитрат, Ё.Исҳоқов, Б.Саримсоқов, А.Ҳожиаҳмедов, Т.Бобоєв, З.Мамажонов ва бошқалар⁴ таҳлил этган. Шунингдек, ўхшатишларга доир Н.Махмудов ва Д.Худайберганаваларнинг изоҳли лугати ҳам нашр этилган⁵.

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида ўхшатиш (ташбих)лар тадқиқи бўйича сезиларли илмий натижаларга эришилган бўлса-да, уларнинг лугавий-бадий ва лингвомаданий хусусиятлари муфассал ўрганилган, деб бўлмайди. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг энг ёрқин сиймоси Алишер Навоий бадий асарларидаги ўхшатишлар замонвий дунёқараш, фалсафий-илмий назар ва методология бўйича монографик планда махсус ўрганилмаган, шоирнинг ўхшатишлардан бадий санъат воситаси сифатида

¹Неселовский Н.А. Историческая поэтика. – М.: Высш. шк., 1989. -186 б; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высш. шк., 1971. -267 б; Федоров Б.И. Логико-гносеологическая природа сравнения // Логико-философские исследования-2. Сб. статей. Под ред. С.И.Дудника. Я.А.Слинина. – СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2003. – С. 159-170. Алефиренко Н. Спорные проблемы семантики. – М.: Гнозис, 2005. - 326 б.

²Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б.34-46; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. -94 б.; Махмудов Н. Ўхшатишлар – обрали тафаккур махсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 19-24; Тилинг мукамал тадқиқи йўллариини излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 3-16; Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 3-8; Ёрматов. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ, 1994. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўникларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005. -161 б.; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. -264 б.; Йўлдошев М. Бадий маън лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. -156 б.; Қобулжонова Г. Метафора ва ўхшатишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – № 5. – Б. 53-55; Метафоранинг системавий лингвистик таълиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000; Худайберганава Д. Ўзбек тилидаги бадий матиларнинг антропоцентрик таълиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 2015.

⁴Хусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. -400 б.; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балога. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – № 4. – Б. 34-45; Фитрат. Адабиёт қондалари. Таъланган асарлар. V жилди. – Тошкент: Маънавият, 2006. – IV жилд. – Б. 11-88; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. -268 б.; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Заркаам, 2006. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Фан, 2004. -324 б.; Ҳожиаҳмедов А. Шейрий санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. -289 б.; Мумтоз бадийат малюҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. -176 б.; Шейр санъатларини биҳасизми? – Тошкент: Шарқ, 1999. -234 б.; Бобоєв Т. Шейр илми таълиқи. – Тошкент, 1996. -97 б.; Бобоєва З. Бадий санъатлар. – Тошкент, 1999. -234 б.; Мамажонов З. Ухшатиш асосидаги шейрий санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017; Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоъ” девони асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонкулов Ф. Бадий санъат жозибаси. – Тошкент, 2005. -278 б.; Ҳамидов З. Навоий бадий санъатлари. – Тошкент, 2001. -129; Болтабоев Ҳ. Бадий санъатлар таълиқи // Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент, 2006; Ражабова Б. Ўзбек классик шейрийтида тамсил санъати: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

⁵Махмудов Н., Худайберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Маънавият, 2013. -320 б.

фойдаланишдаги индивидуал маҳорати алоҳида тизим бўйича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” (2019-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоий шеърлятидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион тузилиши, лингвопозтик ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш, бадий-эстетик вазифасини асослаш, шоирнинг улардан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўхшатишларнинг шаклланиш механизмини ўрганиш, унинг узвлари доирасидаги ўзаро муносабатни шаклий ва мазмуний жиҳатларга кўра изоҳлаш;

ўхшатишларни тавсиф этиш, уларнинг бадий матндаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш, бадий санъатлар тизимида образлиликни шакллантирувчи асос эканини далиллаш;

Алишер Навоий шеърлятидаги ўхшатишларни аниқлаш, уларнинг структурал-композицион жиҳатларини ёритиш, бадий матндаги функцияларини аниқлаш;

Алишер Навоий лирик асарларидаги ўхшатишларни лингвопозтик аспектда ўрганиш асосида шоирнинг жаҳон ва ўзбек халқларининг бадий-эстетик тафаккури ҳамда сўз санъати ривождаги ўрнини белгилаш, индивидуал маҳоратини очиб бериш;

шоир шеърлятидаги ўхшатишларни ўзбек халқи маданияти билан ўзаро алоқадорликда ўрганиб тавсифлаш ва улар мазкур халқнинг энг қадимий ва муҳим лингвомаданий бирлиги эканини исботлаш;

Алишер Навоийнинг ўхшатишлардан фойдаланишдаги бадий маҳоратини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоий асарларининг йигирма томли “Мукамал асарлар тўплами”дан ўрин олган “Хамса” ва “Ҳазойин ул-маоний” (“Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводур уш-шабоб”, “Бадойиб ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”) асарлари танланган. Ўрни билан шоирнинг бошқа (чунончи, “Наводир ун-ниҳоя”, “Бадоеъ ул-бидоя” каби) поэтик асарларига ҳам муносабат этилди.

Тадқиқотнинг предметини эса Алишер Навоий поэтик асарларидаги ўхшатишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, структур-функционал, лингвопозтик, лингвоситатистик, лингвокультурологик ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўхшатишларнинг тилда юзага келиш сабабияти, шаклланиш механизми, таркибий тузилиши, узвлари доирасидаги ўзаро муносабати, троплар тизимида

кўчим ҳосил этиш мавқеи, бадий матндаги ўрни, вазифаси ва аҳамияти умумлаштирилиб, семантик моҳияти ёритилган.

Ўхшатишлар ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти, маданияти, кадриятлари, оғилки ва ёзма адабиётида муҳим аҳамиятга эгаллиги, мумтоз адабиётда илосий тасвирий воситалардан бири бўлганлиги, образлиликни шакллантирувчи илос эканлиги, маънавий санъатлар тизимида энг муҳим бадий санъат сифатида алоҳида ўрин тутиши ҳамда мазкур бадий санъат Алишер Навоийнинг буюк хизматлари сабаб юксак даражада тараққий этганлиги унинг поэтик асарларидаги ташбиҳлар асосида далилланган;

Алишер Навоий шеърий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили натижаларига кўра шоир назмий асарларида ўхшатишлар ушларининг иштирокига кўра икки турли, яъни тўлик ўхшатишлар ҳамда тўлиқсиз ўхшатишлар қўлланилганлиги, воситасиз (ўхшаган ва ўхшатишган) ушлари мавжуд) ўхшатишлар, яъни А (ўхшаган) ҳамда Б (ўхшатишган) қурилмалли ўхшатишлар бошқа структуралли ўхшатишлардан нисбатан кўнчилиликни ташкил этиши кабилар аниқланган;

Шоир шеърий асарларида иштирок этган ўхшатиш қурилмасининг лексик-грамматик табиати, лингвоэтик хусусияти асосланган.

Алишер Навоий поэтик асарларида ўхшатишлар тизим сифатида шаклланганлиги, ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий, диний, адабий соҳалар билан алоқадор от туркумига оид сўзлардан ташкил топганлиги, инсон тана аъзолари ва унинг жисмоний хусусияти, ҳолати, хатти-ҳаракати кабилар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар нисбатан кўпчиликдан иборатлиги, шоир ўз даври учун янги ўхшатишлар яратиб, ташбиҳ бадий санъатини юксак даражада ривожлантирганлиги, бу билан у жаҳон халқларининг бадий-эстетик тафаккурини тараққий эттирганлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан тилшунослик фанининг янги йўналишлари бўлган лингвопоэтика, лингвокультурологияни муайян илмий-назарий қарашлар билан бойитиш, мукамалроқ ва тизимли тарзда ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

Алишер Навоий поэтик асарлари тилидаги ўхшатишларнинг таркибий тузилиши, узвлари орасидаги ўзаро муносабатлар, ташбиҳ бадий санъатини воқелантиришдаги ўрни, вазифаси ва аҳамияти, шоирнинг бадий матнда улардан фойдаланиш даражасини аниқлаштириш орқали ижодкорнинг индивидуал маҳоратини очиб бериш усуллари ишлаб чиқилган;

тадқиқотдаги ўхшатишга оид материал ва хулосалар ўзбек филологияси учун муҳим илмий-назарий маълумот бериши, унинг назарий асосларини бойитиши, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрантлар, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларининг билим ва малакасини оширишда муҳим манба бўлиши аниқланган;

Алишер Навоийнинг бадий санъатлар, хусусан, ўхшатиш асосида воқеланадиган ташбиҳ санъати тараққиётига қўшган ҳиссасига доир фактик материаллар, уларнинг магзига сингдирилган умуминсоний эзгу ғоялар ёш

авлод онги ва қалбида маданий-маънавий меросларимиз ва она тилимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини яна ҳам юксалтиришда катта аҳамият касб этиши шоир шеърӣ асарлари мисолида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги муаммонинг аниқ белгиланганлиги, унинг талаб даражасида илмий асосланганлиги, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий, бадий манбалардан олинганлиги, методик жиҳатдан мукамал асосланганлиги, тавсифлаш, лингвопоэтик, лингвокультурологик, компонент таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилганлиги, муаммо миллий маданият ва тилнинг ўзаро алоқадорлигига кўра ёритилганлиги ҳамда жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили ва адабиётидаги ўхшатишларнинг ўрни, таркибий тузилиши, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари ҳамда бадий-эстетик вазифалари хусусидаги билимларни мукамаллаштиришда, уларни аниқ тизим бўйича ўрганишда, лингвопоэтика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда, ўхшатишлар ёки ташбиҳ бадий санъати бўйича луғат-маълумотномалар яратишда, уларнинг бадий-эстетик ва лингвомаданий табиатига дахлдор масалаларни тадқиқ этишда асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг илмий-фактик материалларидан ўзбек тилшунослигининг услубшунослик, нутқ маданияти ва бадий матннинг лингвистик, луғавий-бадий, лингвокультурологик таҳлилни амалга ошириш, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Ўзбек тили тарихи”, “Матн лингвистикаси”, “Лингвопоэтика” ва “Лингвокультурология” фанларидан ўқув қўлланмалар яратиш, семинарлар ташкил қилиш ҳамда амалий машғулотлар учун ўқув қўлланмалар ва методик тавсиялар яратиш, танланма курслар ҳамда семинарлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги, оммавий ахборот воситаларида Алишер Навоийнинг бадий санъатлар борасидаги маҳоратини тарғиб этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий бадий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион, лингвопоэтик ва лингвокультурологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бадий асарлар тилининг лексик-семантик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик таҳлиллари асосидаги хулосалардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган “Ўзбек адабий тили тарихи” номли ўқув қўлланманинг “Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик меъёрлар”, “Муҳокаматул-луғатайн” асарининг ўзбек адабий тили тараққиётида тугган ўрни” каби мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 02\02\01-2215-сонли маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланманинг мазмуни ва сифатини мукамаллаштириш, Алишер Навоий шеърӣ асарларида ўхшатишлар

узвларининг иштирокига кўра икки турли, яъни тўлиқ ўхшатишлар ҳамда тўлиқсиз ўхшатишлар қўлланилганлиги, воситасиз (ўхшаган ва ўхшатишган) узвлари мавжуд) ўхшатишлар, яъни А (ўхшаган) ҳамда Б (ўхшатишган) қурилмали ўхшатишлар бошқа структурали ўхшатишлардан нисбатан кўпчиликни ташкил этиши бўйича хулоса чиқаришга эришилган;

Алишер Навоий поэтик асарлари тилидаги ўхшатишларнинг таркибий тузилишини аниқлаш, ташбих бадийи санъатини воқелантиришдаги ўрни, вазифаси ва аҳамиятини кўрсатиш, шоирнинг бадийи матнда улардан фойдаланиш даражасини белгилаш ҳамда индивидуал маҳоратни очиб беришга доир хулоса ва фактик материаллардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжаллаб Ё.Саидов муаллифлигида тайёрланган “Ўзбек адабий тили тарихи” номли дарсликнинг “Эски ўзбек адабий тили манбалари ва уларнинг тил хусусиятлар”, “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилини мумтозлик даражасига кўтарган сиймо” каби мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 02\02\01-2214-сонли маълумотномаси). Натижада ўхшатишлар ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти, маданияти, кадриятлари, оғзаки ва ёзма адабиётида муҳим аҳамиятга эгаллиги, мумтоз адабиётда асосий тасвирий воситалардан бири бўлганлиги, образлиликни шакллантирувчи асос эканлиги, маънавий санъатлар тизимида энг муҳим бадийи санъат сифатида алоҳида ўрин тутуши ҳамда мазкур бадийи санъат Алишер Навоийнинг буюк хизматлари сабаб юксак даражада тараққий этганлигига доир назарий билимларни мукамаллаштишига хизмат қилган;

Алишер Навоий шеърлятидаги ўхшатишларнинг бадийи матндаги функцияси, шаклланиш механизми тўғрисидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қарақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қарақалпоғистон бўлими Қарақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 29 ноябрдаги 368-1-сонли маълумотномаси). Натижада шоир ижодидаги ўхшатишларнинг лексик-грамматик тузилиши, лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга эришилган;

Ўхшатишлар муайян жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти ҳақидаги маълумотларни акс эттиради ва бутун халқ ҳамда унинг алоҳида шахслари дунёқараши ҳақида бой тасаввур беради. Бадийи матнини антропоцентриқ аспектда тадқиқ этишда бадийи асарнинг мазмун-моҳияти, эстетик хусусиятлари унда ифодаланган ғоялар, муайян халқ ёки лисоний шахснинг менталитети билан бирга очиб берилади. Шоирнинг ўхшатишларни танлаши индивидуал бўлиб, уларни танлашда муаллифнинг ижтимоий келиб чиқиши, яшаган даври, маданиятни эгаллаганлик, таълим-тарбия ва билим даражаси, адабий муҳит кабилар муҳим ўрин тутганлиги ҳақидаги илмий хулосалардан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат”, “Муносабат”, “Тил зийнати”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Долзарб мавзу” каби кўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилди (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг

2021 йил 24 июндаги № 1/197-сонли маълумотномаси). Натияжада кўрсатув ва эшиттиришлар матнининг илмий-манбавий савияси Алишер Навоий поэтик асарларида ўхшатишлар тизим сифатида шаклланганлиги, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, диний, адабий соҳалар билан алоқадор от туркумига оид сўзлардан ташкил топганлиги, инсон тана аъзолари ва унинг жисмоний хусусияти, ҳолати, ҳатти-ҳаракати кабилар билан боғлиқ бўлган ўхшатишлар нисбатан кўпчиликдан иборатлиги, шоир ўз даври учун янги ўхшатишлар яратиб, ташбиҳ бадий санъатини юксак даражада ривожлантирганлиги, бу билан у жаҳон халқларининг бадий-эстетик тафаккурини тараққий эттирганлиги бўйича янги илмий маълумотлар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 21 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та, хорижий журналларда 2 та ва илмий тўшамларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Алишер Навоий шеърлигидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион тадқиқи”** деб номланган биринчи боби беш бўлимдан таркиб топган. Ушбу бобда дастлаб ўхшатишларнинг мазмун-моҳияти, эстетик қиймати, структурал-композицион хусусиятлари каби масалалар ёритилган. **“Тўлиқ ўхшатишлар”** номли илк бўлимда эса Алишер Навоий бадий асарларидаги тўлиқ ўхшатишлар аниқланиб, структурал-композицион жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Инсоният тафаккури маҳсули бўлган, муайян халқнинг маданиятини ўзда яққол ифодалаган ва бадий санъатлар тизимида энг фаол ҳисобланган ўхшатишларнинг мазмун-моҳияти, эстетик қиймати, структурал-композицион хусусиятлари кабиларни адабиётшунослик ҳамда тилишунослик аспектида ўрганиш жаҳон филологияси фани учун ҳар доим долзарблик касб этади. Шунга кўра бадий асарлар тилидаги ўхшатишларнинг конструкцион

жиҳатларини аниқлаш, воқеланиш тартибини белгилаш, поэтик қийматини баҳолаш ва эстетик таъсир механизмини очиб бериш аҳамиятлидир. Бадиий тафаккурнинг бош, асосий тамойиллари метафора, ўхшатиш, тимсол ва рамздир. Аёнки, ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан бири бўлиб, улар бадиий адабиёт тилида энг кўп қўлланивчи, тасвирнинг аниқлиги ва образлилигини таъминловчи жуда муҳим воситадир. Ўхшатишни баҳо категориясидан ажратиб тасаввур килиб бўлмайди, чунки одам атрофидаги оламни ва, албатта, ўзини киёслаш-ўхшатиш ва баҳолаш йўли билан англаб боради⁶.

Ўхшатишлардан қадим даврлардан бошлаб нутқни бойитиш мақсадида кенг фойдаланилганлиги бўйича илмий манбаларда етарлича маълумотлар мавжуд. Масалан, буюк мутафаккир Аристотель (384-322) “Поэтика” асарида поэзия ўхшатиш (мимесис) санъатидан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг ёзишича, поэтик санъатнинг келиб чиқишига, асосан, ўхшатиш сабаб бўлган. Мутафаккир фикрича, инсон дастлабки билимларни ўхшатишдан олади ва у учун бу усул энг самаралидир. Умуман олганда, поэзия ўхшатиш заминида юзага келган. Аристотель мазкур усул прозадан кўра шеърий нутқга кўпроқ мос келишини таъкидлайди: “Ўхшатиш прозада жуда оз ўринда фойдали, у, асосан, шеърий соҳасига тааллуқлидир, чунки у шеърий нутқни янада нафис ва муваффақиятли қилади”⁷.

Шу учун ўхшатишларни барча шоирларнинг асарларида у ёки бу даражада учратиш мумкин. Бу фикр эътирозга сабаб бўлмайди деб ўйлаймиз. Чунки ўхшатиш орқали шоирлар муайян бир нарсанинг муҳим хусусиятини ажратиб тасвирлашга, китобхоннинг диққатини унга қаратишга ҳар доим эҳтиёж сезади. Ўхшатиш ўқувчи онгида кўшимча тасвирларни жонлантиради. Шу учун ташбиҳ аксарият шоирлар учун энг муҳим кўчим турларидан бири бўлиб келмоқда.

Алишер Навоий шеърий асарларидаги ўхшатишлар структурал-композицион жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Аёнки, ўхшатишлар унда узвларнинг иштирокига кўра икки турга ажратилади: 1) тўлиқ ўхшатишлар; 2) тўлиқсиз ёки қисқа ўхшатишлар. Тўлиқ ўхшатишларда ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келиши асосий мезон ҳисобланади⁸. Тўлиқсиз ўхшатишларда эса ўхшатма белги лексик бирлик билан ифодаланмайди.

Тўлиқ ўхшатишлар учун ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келиши асосий мезон ҳисобланади. Тўлиқ ўхшатишлар формуласини умумий тарзда *А В В Г* сифатида ифодалаш мумкин. Мазкур ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, уни тушуниш осон ва қулай бўлиши учун юқорида келтирилган формулавий белгилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

⁶ Михнчок К. О взаимосвязи категорий сравнения и оценки // Ярославский педагогический вестник. – 2011. – № 1. – С. 131.

⁷ Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 24.

⁸ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – Б 30.

Мумтоз шеърятимизда –дек (-дай) кўшимчаси ҳамда каби, ўхшаш, сингари, худди, гўё, бамисоли, мисли, андоққи, янглиз сўзлари ташбих бадийй санъатини воқеалантиришда восита вазифасини бажарган. Мазкур воситаларнинг бир қисми фаол бўлган бўлса, бошқа бир қисмининг эса фаоллик даражаси юқори эмас.

Алишер Навоий шеърӣй асарларида ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган, яъни *А Б В Г* формулалӣ тўлиқ ўхшатишлар муайян миқдорда мавжуд бўлиб, улар шоирнинг бадийй-эстетик қарашлари, эзулик, яхшилик каби ғояларини ифодалашда муҳим тасвирӣй восита бўлиб хизмат қилган. Масалан,

Тийра қилмиш тун киби офоқни оҳим менинг,

То эшиттимким қилур шабгардлик моҳим менинг. [ББ, 294]

Байтни таҳлил қилишдан олдин мисрадаги айрим эскирган сўзларнинг изоҳини келтириб ўтамиз: *Тийра* сўзи «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да учта маънода келиши изоҳланган: 1. *Қора, қоронғу*; 2. *Ғам-гуссали, қайғули*; 3. *Хира, нурсиз* [НАЛ, 226]. *Офоқ* сўзи эса *уфқлар, дунё, олам* [НАЛ, 537], *шабгардлик* – *кўча кезишлик, кечаси кўча кезиб юришлик* [НАЛ, 486] маъноларида изоҳланган. Форсий *моҳ* сўзи *ой* (вақт ўлчов бирлиги), *планета* каби ўз маъноларида ва мажозий маънода *ғўзал, севгили, маҳбуба, ой юзли; нур тарқатувчи, ёритувчи, обод қилувчи* маъноларида талқин этилган. Мазкур байт мазмунидан англашиладики, шоир *моҳ* сўзини *ғўзал, севгили, маҳбуба, ой юзли* маъносида қўллаган. “Токи мен *ғўзал* маҳбубамнинг кечаси кўча кезиб юришлигини эшитсам, мен уни кўрмоқлик учун оҳу нола чекарман. Менинг нолаю фиғоним дунёни тун каби қоронғу қилди”. Мазкур ўхшатиш қурилмасининг формуласи *А Б В Г* тарзида намоён бўлиб, унда ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган бўлиб, унинг структуравий формуласи куйидагича: *А – офоқ* (ўхшаган), *Б – тун* (ўхшатилган), *В – киби* (ўхшатиш қайди), *Г – тийра* (ўхшаш).

Шоир асарларида қўлланган тўлиқ ўхшатишли минг байтда ўхшатиш қайдларининг миқдори бўйича статистик маълумот куйидагича: *янглиз* 236 та, *-дек (-дай)* 193 та, *каби (киби)* 130 та, *сингари* 111 та, *гўё* 100 та, *худди* 90 та, *бамисоли* 60 та, *ўхшаш* 40 та, *мисли* 30 та, *андоққи* 10 та. Англашиладики, ўхшатиш қайдларидан шоир асарларида *янглиз, -дек (-дай), каби (киби), сингари, гўё* кабилар фаол қўлланилган.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли “**Тўликсиз ўхшатишлар**” деб номланган ва унда Алишер Навоий бадийй асарларида тўликсиз ўхшатишлар аниқланиб, структурал-композицион жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тўликсиз ўхшатишларда ўхшатма белги лексияк бирликлар билан ифодаланмайди⁹. Унинг формуласи *А Б В* тарзида бўлади, яъни мазкур қурилмали ўхшатишлар *ўхшаган, ўхшатишган* ва *ўхшатиш қайди* тарзида шаклланади. “Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари” номли монографиянинг муаллифи Мунаввара Ёқуббекова тўликсиз ўхшатишларда тўрт уздан бири ёки бир нечаси катнашмайди, *А Б В, А Б, Б В Г* тарзида бўлади

⁹ Ўша асар, ўша бет.

деб таъкидлайди. Алишер Навоий шеърий асарларида бу каби тўлиқсиз ўхшатишлар миқдори анча кўп бўлиб, шоир улардан кенг фойдаланган.

Алишер Навоий назмий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили жараёнида яна бир турдаги ўхшатишлар борлиги кўзга ташланди. Бундай қурилмали ўхшатишларда фақатгина ўхшаган ва ўхшатишган узвлари вокеланади, холос. Уни формулада ифодалайдиган бўлсак, у *А В* тарзида намоён бўлади. Англашиладики, бу каби ўхшатишларда ўхшатиш қайди (шартли шакли – *В*) ҳамда ўхшатиш белгиси (шартли шакли – *Г*) ни ифодаловчи узвлар бўлмайди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърий асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг иккинчи тури, яъни *А – ўхшаган* ва *Б – ўхшатишган* қурилмали ўхшатишлар муҳим ўринга эга. Улар шоир назмий асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланган.

Тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатиш воситасининг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра қуйидагича тасниф қилинади:

1) *Воситали тўлиқсиз ўхшатишлар*

2) *Воситасиз тўлиқсиз ўхшатишлар*

Воситали тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатиш қайди маълум бир восита билан ифодаланади ва унинг структураси *А Б В*, *Б В* кўринишида бўлади. Масалан:

Меҳнат ўтинидин ёруқдур ҳар тараф кошонамиз,

Бўлди *гўё* аждаҳо коми бизинг вайронамиз. [ББ, 211]

Байтда келтирилишича, меҳнат ва машаққат туфайли инсон тобланади, шу боис унинг қалб уйи, руҳи равшанлашади. Келтирилган байтда васл умидидаги ошиқнинг кўнгли аждаҳо комидек алангалангани айtilмоқда. Бунда вайрона кўнгилдаги ишқ ўти мислсиз ва ҳадсиз эканлиги аждаҳо коми сифатида кўрсатилган. Шеърий парчадаги ўхшатишларнинг структурал-композицион қурилмасини *Б В Г* формуласи тарзида ифодалаш мумкин. Демак, байтдаги ўхшатишларда *Б – ўхшатишган* ва *В – ўхшатиш қайди*, *Г – ўхшатиш белгиси* узвлари иштирок этган. Англашиладики, шеърий парчада ўхшаган, яъни *А* ифодаланмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, асос ифодаланмай *биз* оломоши орқали ифодаланган. Байтда қўлланган *аждаҳо коми – ўхшатишган*, *гўё – ўхшатиш қайди*, *вайрона – ўхшаш*.

Шоир шеърий асарларида қисқа тўлиқсиз ўхшатишларда *ўхшатишган бир сўз билан (содда йиғиқ)* ёки *бирдан ортиқ бўлган сўз билан (содда ёйиқ)* ифодаланган байтларни ҳам кўришимиз мумкин.

Бобнинг “**Содда ўхшатишлар**” номли учинчи фаслида Алишер Навоий назмий асарларида содда ўхшатишлар аниқланиб, структурал-композицион жиҳатдан таҳлил қилинган. Содда ўхшатишларнинг структурал формуласи *А Б В Г* тарзида бўлиб, унда ўхшатиш узвларининг барчаси мавжуд бўлганлиги сабаб шоирнинг нимани нимага ташбиҳ этаётгани аниқ кўриниб туради.

Содда ўхшатишларда ўхшатиш узвларининг жойлашишига кўра *олд ўринли* ва *сўнг ўринли содда ўхшатишларга* ажратиш мумкин.

А) олд ўринли содда ўхшатишларда *Б – ўхшатишган А – ўхшагандан олдин* келади.

Эй, юзинг гулбаргига ошифтаву хайрон сабо,

Телбалардек гулшану кўйингда саргардон сабо. [ББ, 46]

Аёнки, сабо тонг чоғи эсадиган ёқимли шаббода. Лирик қахрамон ўша тонг шаббодасида маъшуқа ишқида ошифтау хайрон эканлигини ва шунинг учун гўзал ёрининг кўчасида телбалардек тентираб кезишини айтади. Байтдаги ўхшатиш қурилмасининг формуласи Б В Г А тарзида намоён бўлган: Б – *телба* (ўхшатилган), В – *-дек* (ўхшатиш қайди), Г – *саргардон* (ўхшаш), А – *сабо* (ўхшаган).

Б) *сўнг ўринли содда ўхшатишлар* Содда ўхшатишларда ўхшатиш воситаларининг жойлашиш ўрнига кўра кейинги тури *сўнг ўринли содда ўхшатишларда* А – ўхшаган Б – ўхшатилгандан олдин келади.

Айтилганидек, содда ўхшатишларнинг структурал формуласи А Б В Г, Б В Г А, Г Б В А тарзида бўлиб, унда ўхшатиш узвларининг барчаси мавжуд бўлганлиги сабаб шоирнинг нимани нимага ташбиҳ этаётгани аниқ кўриниб туради. Китобхон бу каби ўхшатишларни ҳеч қийналмай тушуниб олади, уларнинг мазмун-моҳиятини бир ўқишда англайди.

“Мураккаблашган ўхшатишлар” номли тўртинчи бўлимида дастлаб мураккаблашган ўхшатишлар ҳақида назарий маълумот берилиб, сўнг А.Навоний бадиий асарларида мураккаб ўхшатишлар иштирок этган байтлар структурал-композицион, лингвопоестик ва лингвокултурологик жиҳатдан тадқиқ қилинган

Биринчи бобнинг сўнги, яъни бешинчи бўлими **“Мураккаб ўхшатишлар”** деб номланган ва унда Алишер Навоний назмий асарларида мураккаб ўхшатишлар аниқланиб, структурал-композицион жиҳатдан таҳлил қилинган.

Мураккаб ўхшатишларда ўхшаган бир неча бор ўхшатилганга қиёсланади. Мураккаб ўхшатишларда асос қайта-қайта у ёки бу тимсолга қиёслаб ўхшатилиши, шунингдек, бирор объектнинг-кўпроқ машуканинг турли тана аъзолари кетма-кет равишта тавсиф учун ўхшатилади. Шунга кўра ўхшатишлар *кетма-кет* ва *чоғиштирувчи мураккаб ўхшатишларга* бўлинади.

А) *Кетма-кет мураккаб ўхшатишларда* – асос қайта-қайта у ёки бу тимсолга қиёслаб ўхшатилади Бунга мисол сифатида қуйидаги байтни келтириб ўтамыз:

Кимки, оқинг бир *малаксиймо париваш ёри* бор,

Одами бўлса, пари бирла малақдин ори бор. [НШ, 132]

Мисрада А – *ёр* ўхшаган бўлиб, шу мисрада маъшуқа Б – *малаксиймо паривашга* ўхшатилган. Англашиладики, ўхшагани тавсифлаш учун битта ўхшатилган эмас, балки иккита ўхшатилган қўлланган. Мисрадаги ўхшатишнинг қурилмавий формуласини А Б Б В Г тарзида ифодалаш ўринли бўлади. Мисрадаги В – ўхшатиш қайди иштирок этмаган, лекин *малаксиймо* сўзи *фариттага* ўхшаш деган маънони, *париваш-парига ўхшаш*, *гўзал* деган маъноларни билдиради. Агар ўхшатилган сўзлар билан яна ўхшатиш воситаси келса, услубий ғализликни келтириб чиқарар эди.

Б) *Чоғиштирувчи мураккаб ўхшатишларда* бирор объектнинг – кўпроқ машуканинг турли тана аъзолари кетма-кет равишта тавсиф учун ўхшатилади.

Кўзунг наргис, узоринг гул, қадинг сарву сочинг сунбул,

Бузуғ кўнглум хаёлидин буларнинг турфа боғ ўлмиш. [ҒС, 192]

Ушбу байтда шоир ёрнинг бутун тана аъзоларини таъриф этмокда, яъни кўзини *наргизга*, узори (*юз*)ни *гулга*, қадини *сарвага*, сочини *сунбулга* киёслаб, ташбехнинг ташбеҳи мўқад (таъкид йўли билан ўхшатиш) турини юзага чақарган. Мисрадаги ўхшатишнинг қурилмавий формуласини А Б, А Б, А Б, А Б тарзида ифодалаш ўринли бўлади.

Диссертациянинг “**Алишер Навоий назмий асарларидаги ўхшатишларнинг лексик-грамматик, лингвопоэтик табиати**” деб номланган иккинчи боби саккиз бўлимдан иборат бўлиб, Алишер Навоий бадий асарларидаги ўхшатишларнинг лексик-грамматик, лингвопоэтик хусусияти очиб берилган.

Бобнинг “**Ўхшатишларнинг лексик ва грамматик табиати**” номли биринчи фаслида Алишер Навоий бадий асарларидаги ўхшатишларнинг лексик ва грамматик табиати тадқиқ қилинган. Тилнинг тасвирий воситаси бўлмиш ўхшатишда лексик бирилик билан ифодаланган иккита нарса, ҳодиса ёки тушунча бир-бири билан образли чоғиштирилади. Бу чоғиштириш жараёнида адабий тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилинади. Шу жиҳатдан ўхшатишнинг поэтик моҳияти ҳақида фикр юритиш жараёнида лексик-семантик ва грамматик табиатини ўрганиш муҳимдир.

Айтиб ўтганимиздек, ўхшатиш қурилмаси тўрт узвдан – ўхшаган, ўхшатиш, ўхшатиш қайди, ўхшашдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига ҳос лексик-семантик ва грамматик табиатга эга.

Алишер Навоий бадий асарларида асос етакчи узв бўлиб, ўхшатиш қурилмасида муҳим роль ўйнайди. Асос *отлар, отлашган сўзлар, кишилик ва ўзлик олмоилари, отли сўз бирикмалари* билан ифодаланади:

От сўз туркуми билан ифодаланган ўхшатишларда асос эгалик қўшимчаларидан бирини олган ҳолда келади.

Ўхшатишган – отлар, отлашган сўзлар ва сўз бирикмалари билан ифодаланади. Ўхшаган ўхшатиш воситаси билан грамматик алоқага кирганда аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, кесим вазифаларида келади. Табиийки, гаптаги вазифасининг ўзгариши – ўхшатишнинг мантикий ва ифодавий позитсиясини ўзгартиради.

А.Навоий бадий асарларидаги ўхшатишларда ёрдамчи сўзларнинг восита сифатида иштирок этиши кўпчиликини ташкил этиб, бу воситаларнинг ўхшатиш ифодалашдаги алоҳида ўрнини эътироф этиш имконини беради. А.Навоий бадий асарларида ўхшатиш воситаси сифатида *янглиз, каби (киби), гўё, мисоли* каби сўзлар қўлланилган бўлиб, улар аввал кўриб ўтганимиз аффикс воситаларга синоним бўлиб келади. Ўша ўхшатиш воситалари ифодаланган ўхшатишнинг семантик маъно оттенкасини ўзида акс эттиради: “*айн янглигдур узоринг*”, “*сувдин айрилгон балиг янглиг кўнгул тобокидур*”, “*яланг гадоёй киби офтобрўда исиндим*”.

Алишер Навоий бадий асарларида ўхшатишлар *-га ўхшагай, -га монанд, -га монанд, -а монанд, “-ча бор* каби морфологик-лексик воситалар билан ҳосил қилинади. Ўхшатишлар морфологик-лексик воситалар билан ҳосил қилинганда, морфологик узв ҳам, лексик узв ҳам ўхшатишни семантик жиҳатдан юзага чиқариш учун хизмат қилади. Воситаларнинг турлича

кўлланилиши улар ҳосил қиладиган маъно оттенкалари ранг-баранглигини таъминлайди. Умуман олганда, морфологик ҳам лексик-морфологик воситалар А.Навий бадий асарларидаги ўхшатишларда маъно кўчишининг предикатив тарзда воқе бўлишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Бошнинг **“Очик ўхшатишлар”** номли иккинчи фаслида очик ўхшатишлар ҳақида назарий маълумот берилганидан сўнг А.Навий бадий асарларидаги очик ўхшатиш аниқланиб, лингвопоэтик хусусиятлари баён қилинган.

Рашидиддин Ватвотнинг **“Ҳадоийк ус-сехр фи дақойик уш-шеър”** асарида очик ўхшатишлар **“ташбиҳи мутлак”** деб аталган. Ё.Исҳоқов **“Сўз санъати сўзлиги”** китобида бундай ўхшатишларни **“ташбиҳи сарех”** деб номлаган. Унинг фикрича, ташбиҳи сарехда бир нарса иккинчи бир нарсага ташбиҳ воситалари ёрдамида тўғридан-тўғри ўхшатилади¹⁰. Маълумки, ташбиҳ воситалари **–дек(-дай)** кўшимчаси, **каби** (киби), **сингари**, **ўхшаш**, **худди**, **гўё**, **бамисоли**, **мисли**, **андоқки**, **чу**, **янглиз** каби сўзлардир.

Бошимки ҳажр йўлида фалакдек айланди,

Кўзум ёши эрур ул чархи ахтари янглиз. [БВ, 270]

Тавсифи. **“Ошиқ айрилиқу хижрондан шу қадар азоб чекаптики, натижада боши фалакдек айланди, кўз ёшлари осмондаги юлдузлардек бўлди”**. Мисрада бошнинг айланиши фалакка, кўз ёшини осмондаги юлдузларга ўхшатиш ҳақиқатан ҳам катта поэтик топилмадир. Изоҳталаб сўзлар: *ҳажр* – арабий, айрилик, жудолик [НАЛ, 134], *фалак* – форсий, осмон, кўк [НАЛ, 312], *чархи ахтар* – осмондаги юлдуз [НАЛ, 452]. Шеърнинг биринчи мисрасидаги ташбиҳда *бош* ўхшаган, *фалак* ўхшатишган, *айланмоқлик* ўхшаш, **–дек** ўхшатиш қайди сифатида воқеланган. Иккинчи мисрада эса *кўз ёши* ўхшаган, *чархи ахтар* ўхшатишган, *янглиз* ўхшатиш қайди тарзида намоён бўлганлигини кузатиш мумкин.

“Шартли ўхшатишлар” деб номланган учинчи бўлимда А.Навий бадий асарларидаги шартли ўхшатишлар хусусида сўз юритилган.

Шартли ўхшатишлар мумтоз адабётшунослиқда *ташбиҳи машрут* деб номланиб, унда бир нарса ёки ходиса бошка бир нарса ёки ходисага маълум шарт билан ўхшатилади. Бунда **–са** кўшимчаси ҳамда *агар* (*гар*, *ар*, *агарда*) каби сўзлар иштирок этади¹¹. Ё.Исҳоқов бундай турдаги ўхшатишларга мисол сифатида Алишер Навоийнинг қуйидаги байтини келтириб ўтади:

Фалакнинг ойи юзунгга мушобих ўлгай, агар

*Оғзи Суҳову Зухалдин юзунда хол ўлгай*¹².

